

Қиёматнинг кичик аломатлари

(1)

[Ўзбекча – Uzbek – الْأَوْزَبْكِي]

Шайх Носир ибн Мухаммад Аҳмад

Таржимон: *Абу Жаъфар ал-Бухорий*

Нашрга тайёрловчи: *Абу Абдуллоҳ Шоший*

2013 - 1434

IslamHouse.com

أَشْرَاطُ السَّاعَةِ الصُّغْرَى (١)

« باللغة الأوزبكية »

ناصر بن محمد الأحمد

ترجمة: أبو جعفر البخاري

مراجعة: أبو عبد الله الشاشي

2013 - 1434

IslamHouse.com

Бисмиллаҳир роҳманир роҳим

Биринчи хутба

Барча ҳамдлар Аллоҳга хосдир. Биз Ундан ёрдам, нафсимизнинг ёмонлиги ва амалларимиз- нинг шумлигидан паноҳ ҳамда мағфират сўраймиз. Аллоҳ ҳидоят қилган одамни адаштирувчи, адаштирган одамни ҳидоятловчи йўқдир. Мен ягона, шериксиз Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ, Мухаммад эса Унинг бандаси ва элчиси эканига гувоҳлик бераман.

(يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا اتَّقُوا اللَّهَ حَقًّا ثُقَاتِهِ وَلَا تَمُوْثِنَ إِلَّا وَأَنْتُمْ مُسْلِمُونَ)

«Хой мўминлар, Аллоҳдан лойиқ бўлганидек кўркинглар ва мусулмон бўлган ҳолингизда вафот этинглар!». (Оли Имрон: 102).

﴿ يَا أَيُّهَا النَّاسُ اتَّقُوا رَبَّكُمُ الَّذِي خَلَقَكُم مِّن نَفْسٍ وَاحِدَةٍ وَخَلَقَ مِنْهَا زَوْجَهَا وَبَئَثَ مِنْهُمَا رِجَالًا كَثِيرًا وَنِسَاءً وَاتَّقُوا اللَّهَ الَّذِي تَسَاءَلُونَ بِهِ وَالْأَرْحَامَ إِنَّ اللَّهَ كَانَ عَلَيْكُمْ رَقِيبًا ﴾

«Эй инсонлар! Сизларни бир жондан (Одамдан) яратган ва ундан жуфтини вужудга келтирган хамда у икковидан кўп эркак ва аёлларни тарқатган Раббингиздан қўрқингиз! Яна ораларингиздаги савол-жавобларда ўргага номи солинадиган Аллоҳдан қўрқингиз ва қариндош-уруғларингиз (билин ажралиб кетишдан қўрқингиз)! Албатта Аллоҳ устингизда кузатувчи бўлган зотдир». (Нисо: 1).

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا اتَّقُوا اللَّهَ وَقُولُوا قَوْلًا سَدِيدًا، يُصْلِحُ لَكُمْ أَعْمَالَكُمْ وَيَغْفِرُ لَكُمْ ذُنُوبَكُمْ وَمَن يُطِعِ اللَّهَ وَرَسُولَهُ فَقَدْ فَازَ فَوْزًا عَظِيمًا﴾

«Эй мўминлар, Аллоҳдан қўрқинглар, тўғри сўзни сўзланглар! (Шунда Аллоҳ) ишларингизни ўнглар ва гунохларингизни мағфират қилас. Ким Аллоҳга ва Унинг пайғамбарига итоат этса, бас у улуғ бахтга эришибди».

(Аҳзоб: 70-71).

Дўйсталар, билингларки, гапларнинг тўғрироғи – Аллоҳнинг каломи, йўлларнинг яхшироғи – Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг йўли, ишларнинг ёмонроғи – янги пайдо бўлганлари, ҳар бир янги пайдо бўлган нарса – бидъат ва барча бидъат – залолатдир.

Сүнг ...

Аллоҳ мени ва сизларни раҳмат паноҳига олсин, унутмангларки, Қиёмат кунининг келиши шубҳасиздир. Аллоҳ таоло бу ҳақда шундай деган:

﴿ اَقْتَرَبَتِ السَّاعَةُ وَانْشَقَ الْقَمَرُ ﴾

«Қиёмат яқинлашди ва ой (иккига) бўлинди». (Қамар: 1);

﴿ اَقْتَرَبَ لِلنَّاسِ حِسَابُهُمْ وَهُمْ فِي عَقْلَةٍ مُعْرِضُونَ • مَا يَأْتِيهِمْ مِنْ ذِكْرٍ مِنْ رَبِّهِمْ مُحْدَثٌ إِلَّا اسْتَمَعُوهُ وَهُمْ يَلْعَبُونَ • لَا هِيَةَ قُلُوبُهُمْ وَأَسْرُوا السَّجْوَى الَّذِينَ ظَلَمُوا هُلْ هَذَا إِلَّا بَشَرٌ مِثْلُكُمْ أَفَتَأْتُونَ السَّحْرَ وَأَنْتُمْ تُبَصِّرُونَ ﴾

«Одамларга ҳисоб-китоблари (яъни қиёмат қойим бўлиши) яқинлашиб қолди. Улар эса ғафлатда, (иймон келтириб, яхши амаллар қилишдан) юз ўғиргувчидирлар. Уларга Парвардигорлари томонидан бирон янги эслатма — оят келар экан, албатта уни масхара қилиб, диллари ғофил бўлган ҳолларида тингладилар ва золим-кофир кимсалар: «Бу (яъни Мухаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўзларингизга ўхшаган

бир одам холос-ку! Кўриб турган ҳолингизда сехржодуга (алданиш учун) келаверасизларми?!» (деб) ўзаро шивирлашдилар». (Анбиё: 1-3).

Дўстлар, Қиёматнинг қоим бўлишига оз қолди. Шунинг учун хушёр бўлиш керак-ки, ўтиб кетган дунёга нисбатан қолган дунёning умри, жуда ҳам оздир. Имом Бухорий раҳимаҳуллоҳ «Сахих» ҳадислар девонида Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳумонинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан қилган ушбу ривоятини келтирган: «Сизларнинг сизлардан аввал яшаб ўтган ҳалқларга нисбатан бу (дунёда) қолишингиз, аср вақтидан то қуёш ботиши орасидаги вақтчадир». (Имом Бухорий, 557).

﴿إِنَّهُمْ يَرَوْنَهُ بَعِيدًا • وَتَرَاهُ قَرِيبًا﴾

«Чунки улар у (Кун)ни узок деб билурлар, Биз эса унинг яқинлигини билурмиз!» (Маориж: 6, 7).

Утба ибн Фазвон разияллоҳу анҳу ривоят қиласи: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизга хутба қилдилар. Аллоҳга ҳамду саноларни айтгач: «Дунё тугай бошлиди. У орқасига қайтмоқда. Ундан идии

тагида қолган (сувча оз) қолди. Сизлар ундан заволи бўлмаган диёрга қўчасизлар. Унга, тайёrlаган энг яхши заҳираларингиз билан қўчинглар!» – дедилар. (Имом Муслим, 7625).

Ҳикмати очиқ намоён бўладиган Аллоҳ таоло, Қиёматнинг қачон қоим бўлишини барчадан сир тутди. Буни эса ҳеч бир махлук, жумладан, фаришта ва юборилган пайғамбар ҳам билмайдиган ўз илмининг хусусиятларидан қилди:

﴿ يَسْأَلُونَكَ عَنِ السَّاعَةِ أَيَّانَ مُرْسَاهَا قُلْ إِنَّمَا عِلْمُهَا عِنْدَ رَبِّي لَا يُجَيِّبُهَا لَوْقَتُهَا إِلَّا هُوَ ثُقْلُتُ فِي السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ لَا تَأْتِي كُمْ إِلَّا بَغْتَةً يَسْأَلُونَكَ كَأَنَّكَ حَفِّيٌّ عَنْهَا قُلْ إِنَّمَا عِلْمُهَا عِنْدَ اللَّهِ وَلَكِنَّ أَكْثَرَ النَّاسِ لَا يَعْلَمُونَ ﴾

«(Эй Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), сиздан Соат (яъни Қиёмат) қачон воқе бўлади, деб сўрайдилар. Айтинг: «Унинг билими фақатгина Парвардигорим даргоҳидадир. Вақти-соати келганида ҳам фақат Ўзи ошкор қилур. У (яъни Қиёмат) Самовот ва Ер учун жуда оғир (даҳшатли) бир ишdir. У сизларга фақат тўсатдан — кутилмагандек келур». Гўё сиз у ҳақда яхши биладигандек сўрайдилар. Айтинг: «Унинг

билими фақатгина Аллоҳ даргоҳидадир. Лекин жуда кўп одамлар уни билмайдилар». (Аъроф: 187).

Аллоҳ таоло бизга тайёргарлик кўришимиз учун Қиёматнинг аломатлари ва шартларини билдириди. Қиёматнинг шартлари кўп бўлиб, уларни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам умматини огоҳлантириш учун баён қилдилар. Мазкур аломат ва шартлар саҳоба разияллоҳу анҳумлар замонидан буён намоён бўлишда давом этиб, кўпайиб бормоқда. Унинг бир жойда кўрингани, бошқа жойда кўринганига нисбатан кўпдир.

Бу алмоатлардан айримлари пайдо бўлиб тугаган бўлса, айримлари ҳануз давом этиб, кўпайиб бормоқда. Бу аломатлар олдида Аллоҳ мададкоримиз бўлсин! Зеро куч ва қудрат Аллоҳ билангинадир! Айрим аломатлар эса ҳануз намоён бўлмади ва Қиёматга яқин ғайри оддий жорий бўлади. Дўстлар, сизларга улардан айримларини, улар ҳақида бир оз тўхталиб, баён қилиб ўтамиз. Шояд уларни билмаганлар билса, унугланлар ёдга олса ва ёдида бўлганларнинг иймонларига иймон қўшилса.

Қиёматнинг биринчи шарти — Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг пайғамбар қилиб

юборилишидир. Ҳолбуки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам охирги пайғамбар бўлиб, Ундан кейин бирон пайғамбар келмайди. Балки, Унинг юборилиши билан Қиёмат ораси кўрсаткич бармоқ билан ўрта бармоқ орасича қисқа замондир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам: «Мен ва Қиёмат бу иккиси каби бўлганида юборилдим», – деб икки бармоғига ишора қилиб, кўрсаткич ва ўрта бармоқни бир-бирига ёпиштирган эдилар. (Имом Бухорий (6504), Имом Муслим (2042)).

Аллоҳ таоло айтди:

﴿مَا كَانَ مُحَمَّدٌ أَبَا أَحَدٍ مِّنْ رِجَالِكُمْ وَلَكِنْ رَسُولَ اللَّهِ وَخَاتَمَ النَّبِيِّينَ وَكَانَ اللَّهُ بِكُلِّ شَيْءٍ عَلِيهِمَا﴾

«Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам сизлардан бирон кишининг отаси әмасдир, балки у Аллоҳнинг пайғамбари ва пайғамбарларнинг сүнггисидир. Аллоҳ барча нарсани билгувчи бўлган зотдир». (Аҳзоб: 40).

Қиёматнинг шартларидан бири, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг вафотидир. Имом Бухорий раҳимаҳуллоҳ «Саҳиҳ»ида Авғ ибн Молик

разияллоҳу анхудан ривоят қиласи: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Қиёмат олдидан олти нарсани сана: ўлимимни, Байтул Мақдиснинг фатҳини!» – дея олтита аломатларни айтиб ўтдилар. (Ином Бухорий, 3176).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ўлими, Қиёмат яқинлашганининг аломатидир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ўлими Уммат учун оғир мусибатлардан бири бўлган ва дунё саҳобаларнинг кўзида зулматга айланган эди. Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу ривоят қиласи: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Мадинага кирган кунларида барча нарса нурафишон бўлган бўлса, оламдан ўтган кунлари барча нарса зулматга бурканди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни дағн қилиб бўлгач ҳам, (ваҳийнинг тўхтаганига) кўнглимиш ишонмас эди». (Термизий (3978), Ибн Можа (1631)).

Ибн Ҳажар раҳимаҳуллоҳ айтди: Анас разияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг тириклик пайтида Мадинада берган таълим ва одоблари сабабли кўришган дўстлик, софлик ва ҳалимлик вафотларидан сўнгра ўзгарганини кўрганини айтмоқда.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ўлими билан осмондан ваҳий келмай қўйди. Қуртубий раҳимаҳуллоҳ бу ҳақда: «(Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг вафоти сабабли) Исломдаги энг оғир мусибат юзага келиб, пайғамбарлик тўхтади. Ёмонликнинг илк кўриниши, арабларнинг муртадлиги эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг вафоти, яхшиликнинг тўхташи ва камая бошлашининг нишонаси эди». (Қуртубий тафсири, 2/176).

Қиёматнинг шартларидан бири, одамларнинг қўлида молу дунёнинг кўпайишидир. Имом Бухорий раҳимаҳуллоҳ «Саҳиҳ»ида Абу Ҳурайра разияллоҳу анхунинг ушбу ривоятини келтирган: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ичингизда (қўлингизда) бойлик кўпаймагунича Қиёмат қоим бўлмайди. Ҳатто бойлик кишиини, садақасини қабул қиласиган одамни топиш ташвишга солади. Бойлик(дан олиш)га бир одам чақирилса: Менингунга эҳтиёжим йўқ, дейди», – дедилар. (Имом Бухорий, 1412).

Абу Мусо разияллоҳу анху Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ушбу ҳадисини ривоят қиласи: «Одамларга шундай замон келадики, унда одам тилло садақаларини (берииш учун) айланаб

юради ва уни оладиган одамни топа олмайди». (Имом Бухорий (1414), Имом Муслим (1012)).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам хабар берган нарсаларнинг кўпи рўёбга чиқди. Исломий фатхлар ва Аллоҳ йўлидаги жиҳод кўпайгани сайин саҳобаларнинг қўлида бойлик кўпайди. Улар эронлик ва византияликларнинг бойликларини тақсимлаб олдилар. Қилган адолатининг баракалари билан халифа Умар ибн Абдулазиз разияллоҳу анҳунинг замонига келиб молу дунё тўлиб-тошди. Одамлардан бири садақасини бериш учун одамларга таклиф этар, бироқ, оладиган кишини топа олмас эди. Чунки Умар разияллоҳу анҳу гадойликка барҳам берган эди. Қиёмат яқинлашганида ҳам одамларнинг қўлларида бойлик кўпаяди ва садақа бериш учун одамларга таклиф қилганида: «Бу молга бизнинг эҳтиёжимиз йўқ!» – деб жавоб беришади. Бу, Маҳдий ва Ийсо алайхиссалом яшаган пайтларда намоён бўлади. Чунки ўша пайтга келиб, ер ўз бағридаги барча бойликларини чиқаради ва одамлар фаровон яшайдилар. Ўша пайтда, ҳозирги кунда бўлаётганидек, Ислом умматининг бошқа жойларида айrim халқлар факирлик ва очарчилик билан яшашлари ҳам мумкин. Чунки, бир ўлка бошқа

ўлқадан кўра, Аллоҳ билган ҳикмат билан, фаровонроқ яшаши мумкин.

Қиёматнинг шартларидан бири, Ислом умматининг яхудий ва насроний каби кофир халқларга тақлид қилишидир. Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қилди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «*Умматим аввалги асрлар(да яшаганлар)га қаричма-қарич ва газма-газ тақлид қилмагунicha Қиёмат қоим бўлмайди*», – дедилар. Саҳобалар: Эронлик ва византияликларга ўхшаганларгами? – деб савол беришганида: «*Одамлар ичидан ўшалар бўлмаса кимлар?*» – деб жавоб бердилар. (Имом Бухорий, 7319).

Бошқа бир ривоятда эса саҳобалар: Ё *Rasululloh*, улар яхудий ва насронийларми? – дейшишганида *Rasululloh* соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «*Бўлмаса кимлар?!*» – деб жавоб берганлари нақл қилинган. (Имом Бухорий, 7320).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам берган ушбу хабар рӯёбга чиқди. Кўплаб мусулмонлар шарқу ғарбдаги кофирларга менгзашди. Эркакларимиз уларнинг эркакларига, хотинларимиз эса уларнинг хотинларига ўхшашди. Ҳатто айрим

эркакларимиз уларнинг хотин-қизларига менгзашиб, фитналар гирдобига тушганини айтишдан оғизлар уялади. Ҳатто айримлари, Аллоҳ сақласин, Ислом динидан чиқиб кетдилар.

Соғлом Ислом билан таниш одам, охирги дамлардаги мусулмонлар ҳаётида кофир Фарбга тақлиidlари ва Ислом таълимотидан йироқда қолганлари учун эътиқоддаги бузуқлик, кофиrlар қонунини изжро этиш, Аллоҳнинг шариатидан узоқлашиш, ейиш, ичиш ва кийинишда Фарбга менгзашлиkenи ҳис этади. Бу ҳолатни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳадисидек тавсифлаган бирон жумла йўқдир: «*(Сизлар уларга) қаричма-қарич ва газма-газ эргашасизлар. Агар калтакесак инига кирсалар, сизлар ҳам кирасизлар*».

(Имом Аҳмад, 10649).

Хўш, америкапаастлик, французпаастлик, (руспаастлик) ва ғарбпаастлик мусулмонлар учун қандай меваларни берди? Биз хорлик, хўрлик, ер ости ва усти бойликларини талон-тарож қилиш ва қулдек яшашдан бошқа нимани самара қилиб олдик?! Дунёвий зиёндан кейин, диний зиёнларни ҳам кўрмадик-ми?! Биз Фарбдан пардоз анжомлари, ёмон ахлоқ ва одатларни жамиятимизга олиб

келаётганлардан яхши бошқарув тизими, замонавий технология, маълумотларни тизимлаш каби илғор ишларни ҳам олиб келиб, халқларини бу соҳаларда ривожлантиришларини, соғлик соҳаси, шартномалар тузиш тизими, йўл чеккаларини тартиблаш, институт, дорулфунун ва мактабларни қуришдаги янгиликларни олиб келишларини ҳам жуда хоҳлар эдик.

Жаҳонни у бурчагидан бу бурчагигача саёҳат қилиб, биз тилга олган соҳаларда қолоқлик, эркакларнинг хотинчалиш бўлиб юришлари ва «европалашган»ини айтиб мақтанишларини кўриб, хижолат бўлиб кетасан киши. Уларнинг ҳаёти «ғарбийлашди» ва бошқаларни ҳам «ғарблаштириш» учун ҳаракат қилишмоқда. Дўстлар, бу – фитнадан бошқа нарса эмасдир. Аллоҳ таолога бу фитнадан Ислом умматини асраши учун сифинамиз!

Қиёмат аломатларидан бири, умматнинг айрим замонида осуда ҳаётнинг вужудга келишидир. Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу айтди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «*Отлиқ Ироқ билан Макка орасида йўлдан адашиб қолишдан бошқа бирон нарсадан қўрқмай саёҳат қилмагунича, Қиёмат қоим бўлмайди*». (Ҳайсамий раҳимаҳуллоҳ ровийларнинг соғлом эканини айтди. Имом Аҳмад, 8819).

Бу, саҳобалар замонида – Ислом дини оммавийлашиб, адолат мусулмонлар фатҳ этган ўлкаларда ёйилгач, ҳақиқатан, рўй берди. Бундан ташқари, Умар ибн Абдулазиз разияллоҳу анҳу замонида ҳам бўлди. Чунки, биродарлар, хавфсизлик Ислом ва адолатга боғлиқдир. Агар бирон ўлкада хавфсизлик бўлса, билингларки, ўша ерда Ислом байроғи кўтарилиган ва адолат тиклангандир. Буни Адий ибн Ҳотим разияллоҳу анҳунинг Имом Бухорий раҳимахуллоҳнинг «Саҳиҳ»ида қайд этилган ҳадиси қувватлайди: *Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Адий, Ҳирани кўрганмисан?» – деб савол бердилар. Мен: Кўрмаганман аммо у ҳақда эшиштганман, – дедим. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар умрингдан бўлса, бир жувоннинг Ҳирадан Каъбани тавоғ қилиши учун Аллоҳдангина қўрқиб саёҳат қилаётганини, албатта, кўрасан!» – дедилар. Мен ичимда: (У кунларда) халқларнинг жонига теккан Той қабиласининг қароқчилари нима қиласр экан? – дедим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам давом этдилар: «Агар умрингдан бўлса, Кисронинг хазиналари фатҳ этилишини, албатта, (кўрасан)», – дедилар.*

– Ҳурмузнинг ўғли Кисроми? – деб сўрадим. *Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ҳурмузнинг*

ўғли Кисро. Агар умрингдан бўлса, бир кишининг ҳовучи тўла тилло ёки кумуш(ни тарақатиши) учун чиққанини ва унинг садақасини оладиган кишини излаганини, бироқ топа олмаганини, албатта, кўрасан», – дедилар. Мен жувоннинг Ҳирадан Каъбани тавоғ қилиш учун саёҳатга чиққани ва йўлда Аллоҳ таолодан бошқа ҳеч нарсадан қўрқмаганини (ўз кўзларим билан) кўрдим. Ҳурмуз ўғли Кисронинг хазинасини фатҳ этганлар қаторида ўзим ҳам бор эдим. Агар сизларнинг умрингиздан бўлса, Абул Қосим соллаллоҳу алаайҳи ва саллам айтган ҳовучи тўла тилло билан чиққан одамни, албатта, кўрасизлар. (Имом Бухорий, 3595).

Ҳадисда айтилган осудалик, замона охирида – Маҳдий чиққан ва Ийсо алайхиссалом тушган пайтда жамиятга ҳукмрон бўлади. Чунки улар яшаган замонда жабр ва зулм ўрнига адолат ҳукмрон бўлади ва икковлон зулму жабрга тўлиб-тошган дунёни адолатга тўлдиришади.

Киёматнинг аломатларидан яна бири, турклар олиб борадиган урушдир. Имом Муслим раҳимахуллоҳ «Саҳиҳ»ида Абу Хурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Мусулмонлар юзлари

бўртиб чиққан ва тери қопланган қалқондек, юнг(ли кийим)ларни киядиган ва юнг устида (юнг аралашган пойафзалда) юрадиган туркларга қарши уруш қилмагунича, Қиёмат қоим бўлмайди», – дедилар. (Ином Муслим (7497), Абу Довуд (4305)).

Мусулмонлар саҳобалар даврида, Умавийлар халифалиги – Муовия разияллоҳу анхунинг бошланғич даврларида туркларга қарши уруш олиб бордилар. Айрим саҳобалар Абдуллоҳ ибн Бурайда раҳимахуллоҳнинг отаси Бурайда разияллоҳу анхудан ривоят қилган қуидаги ҳадисни эшитгач, туркларга қарши урушишдан қўрқкан эдилар. Бурайда разияллоҳу анху айтди: Биз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурида ўтирганимизда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ушбу гапларини эшитганимиз: «Умматимни чўзинчоқ юзли, кичик қўзли худди юзлари қалқонга ўхшаши халқ қувалаб, Араб яриморолигача боради. Биринчи гуруҳ қутилиб, улардан қочади. Иккинчи гуруҳнинг баъзилари ҳалок бўлиб, қолганлари қутиласди. Учинчи гуруҳ эса қолган-қутганлари билан қиличдан ўтказиласди». Саҳобалар: Эй Аллоҳнинг пайғамбари, улар кимлар? – деб савол беришганида: «Улар турклардир. Жоним қўлида бўлган Зотга қасамки,

улар тулпорларини мусулмонлар масжидининг устунларига боғлайдилар», – деб жавоб бердилар.

Бу ҳадисни эшиитган Бурайда разияллоху анхунинг турк амирлар сабабли келиши мумкин бўлган фалокатдан қочиш учун икки ёки учта туси ва сафар озиқлари тайёр турар эди. (Имом Ахмад, 23339).

Туркларнинг кўпи Ислом динини қабул қилишди ва уларнинг қўлида Ислом ва мусулмонлар учун талайгина яхшиликлар қўлга кирди. Улар қудратли Ислом давлатини қурдилар. Бу давлат билан Ислом шавкатланди ва катта фатҳлар қўлга киритилди. Улардан бири, Византия империясининг пойтахти Константинополнинг фатҳи эди. Бу ҳақда Абу Ҳурайра разияллоху анхунинг туркларга қарши уруш қилиш хақидаги ҳадисдан сўнгра Имом Бухорий раҳимахуллоҳ ривоят қилган ҳадисда шундай дейилган: «*Сиз яхши одамлар ичидан рўй бермагунича бу ишини ёқтиргмаганларини кўрасиз. Зоро одамлар кондирлар. Уларнинг жоҳилиятдаги яхшилари, Исломда ҳам яхшилари дидир*». (Имом Бухорий, 3588).

Аллоҳ таоло менга ва сизларга баракаларини ёғдирсинг ...

Иккинчи хутба

Ҳамду санолар барча оламлар Раббиси бўлган Аллоҳ таолога бўлсин!...

Қиёматнинг шартларидан яна бири, омонатдорликнинг йўқолишидир. Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу айтди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Омонат зое бўлса, Қиёматни кутавер!» – дедилар. Аъробий: Эй Расулуллоҳ, Унинг зое бўлиши қандай бўлади? – деди.

– Иш нолойиқ бўлган одамга топширилса, Қиёматни кутавер! – деб жавоб бердилар. (Имом Бухорий, 59).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам, Ҳузайфа разияллоҳу анҳу ривоят қилганидек: «Охир замонда омонатдорлик одамларнинг кўнгилларидан кўтарилади. Кўнгилларда унинг асаригина қолади ва: Фалон қабилада омонатдор (битта) одам бор! – дейилади», – дедилар. (Шу мазмундаги ҳадис: Ибн Можа, 4053).

Қиёматнинг шартларидан бири, омонатнинг кўнгиллардан кўтарилишидир. Ҳатто омонатдор одам

хиёнаткор бўлиб қолади. Бундай ҳолатлар Аллоҳдан қўрқмайдиган, иймони кучсиз ва хиёнатчилар билан аралashiб юрган одамларда содир бўлади. Чунки, дўстнинг дўстга таъсири ўтади.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хабарига кўра, яқин кунларда алдамчи йиллар бошланади. Унда ишлар тескарисига кетади: ростгўй ёлғон гапиради, омонатдор хиёнат қиласи ва омонатни хиёнатчига омонат қўйилади.

Омонат зое бўлишининг кўринишларидан бири, раҳбарлик, халифалик, қозилик ва бошқа вазифаларни уларни бошқариш ва муҳофаза этишга нолойик бўлган одамларга топширилишидир. Бу билан одамларнинг хуқуки поймол бўлади, манфаатларига лоқайдлик қилинади, кўнгиллари бузилади, ораларида фитналар чиқарилади. Демак, одамларга пешволик қиласиган раҳбар, омонатни зое қиласи ва одамлар ҳам ўз раҳбарларига издош бўлганлари учун омонатга хиёнат қилишади. Натижада, жамиятларда бузғунчилик пайдо бўлади.

Ишни нолойик одамга топшириш, одамларнинг диний ишларга эътиборсиз бўлиб қолишларига ҳам далолат қиласи. Ҳатто, улар ўз ишларига динига

эътибор бермайдиган одамларни раҳбар қилиб қўйишиади! Бундай кунларда Аллоҳнинг ўзи мададкор бўлсин!

Қиёматнинг шартларидан бири илмнинг тортиб олиниши ва жаҳолатнинг ёйилишидир. Анас разияллоҳу анху ривоят қиласиди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «*Қиёматнинг шартларидан бири илмнинг кўтарилиб, жаҳолатнинг ўрнашишидир*», – дедилар. (Имом Бухорий (80), Имом Муслим (6956)).

Бу ердаги «илм»дан мақсад, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламлардан мерос қолган Қуръон ва суннат илмлариридир. Бу илмнинг кетиши билан халқлар ҳаётидан суннатлар кетиб, бидъатлар пайдо бўлиб, жаҳолат оммалашади. Дунёвий билимлар эса ривожланаверади. Ҳадислардан дунёвий билимлар қасд қилинмаган. Илмларни тортиб олиш, уламоларнинг жонини олиш билан бўлади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу ҳақда шундай деганлар: «*Аллоҳ илмни бандаларидан бирданига тортиб олмайди. Балки илмни олимларнинг жонини олиш билан тортиб олади. Ҳатто биронта ҳам олим қолмагач, одамлар ўзларига жоҳилларни пешво қилиб, уларга саволлар*

беришиади. Улар ҳам билимсиз фатво бериб адашадилар ва (бошқаларни) адаштирадилар». (Имом Бухорий, 100).

Олимларнинг ўз билимлариға амал қилмай қўйишлари натижасида илмнинг тортиб олиниши ҳам, Қиёматнинг алломатларидан биридир. Яъни, у пайтда уммат ичида ҳақиқий раббоний уламолар қолмайди. Агар матнлар, мужалладлар ва китобларни ёд олсаму, унинг таъсири бўлмаса ва одамларга фойда бера олмасам, бу билимнинг менга қандай манфаати бўлиши мумкин?!

Ҳақиқий уламолар билимлариға риоя қилган, умматни тўғриликка бошлаган, умматнинг эҳтиёжлари ҳақида қайғурган олимлардир. Зеро, амал килинмаган билимдан фойда йўқ. Аксинча, эгасига бало бўлади. Ислом муаррихи Заҳабий раҳимахуллоҳ ўз замонасидаги уламолар ҳақида шундай дейди: «Аслида, одамларга озгина илм берилган. Бугунги кундаги одамлар ичида эса, шу озгина илмдан жуда ҳам оз одамларда, жуда ҳам оз қолган. Бу озчилик ичида ҳам билимига риоя қилганларнинг сони анчагина оздир. Аллоҳ бизга кифоядир ва У қандай яхши вакилдир!».

Агар бу Заҳабий раҳимаҳуллоҳ яшаган даврдаги олимлар ҳаёти бўлса, бизнинг давримиздаги олимлар ҳақида нима дейишимиз мумкин?! Ҳа, ҳақиқий олимлар жуда ҳам оз қолдилар!

Дўстлар, илм кундан кунга камайиб, жаҳолат кучаймоқда. Пайғамбарлик замонидан қанчалар узоқлашилса, илм камаяверади. Ҳатто одамларга шундай замонлар келадики, Исломнинг мерослар ҳақидаги фани – Фароиз унутилади. Ибн Можа раҳимаҳуллоҳ саҳих санад билан Ҳузайфа разияллоҳу анхудан қилган ривоятида шу нарса акс этган: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «*Исломни, кийимни бўяшини ўргатилганидек ўргатилади. Ҳатто рўза, намоз, нусук (ҳажж маросимлари) ва садақа нима экани номаълум бўлиб қолади. Бир кечада Аллоҳнинг китоби олинади ва ер юзида унинг биронта ояти ҳам қолмайди.* (Натижада), ёши кексайган чолу кампирлар: *Оталаримизнинг «ЛА ИЛАХА ИЛЛА АЛЛОХ» (Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ), деганларини эшиштар эдик ва биз ҳам уни тақрорлаяпмиз, – дейишади*». (Ибн Можа, 4049).

Имом Муслим «Саҳих»ида ривоят қиласди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «*Ер юзида «Аллоҳ! Аллоҳ!» дейилмаганида Қиёмат қоим*

бўлмади!» – дедилар. (Ином Муслим, 392). Бунинг маъноси шуки, ҳеч бир кимса гуноҳни қайтармайди, савоб ишларга чорламайди. Гуноҳ ишни қилаётган одамни кўргач дашном бермайди. Бу ҳодиса одамлар пасткашлашиб, савобу гуноҳни ажрата олишмаган, бузилишган, инсонийлик ўлган, куфр, фосиқлик ва осийлик қучайган пайтда рўй беради.

Аллоҳ таолодан гўзал исмлари ва олий сифатлари билан бизга раҳмат қўзи билан қарашини тилаймиз!

Аллоҳим, бизга Ўзинг ёрдам бер!

Аллоҳим, бизни ўз ватанимизда хотиржам, раҳбар ва имомларимизни эса ислоҳ қил!

Аллоҳим, эй раҳмилар Раҳмлиси! Бизга Сендан кўрқкан, тақводор ва розилигинг учун ҳаракат қиласиганларни раҳбар қил!

Аллоҳим, бу Умматга тоат ибодатларингни қиласиганлар азиз, гуноҳкор бўлганлар хор бўладиган ишларни кўрсат-ки, у билан савобли ишларга буюрилиб, гуноҳ ишлардан қайтарилсин!

Аллоҳим, қўнгилларимизни ҳидоят қиласиган,
тарқоқлигимизни бирлаштирадиган ва фитналарни
йироқлаштирадиган раҳматингни ёғдир!

Аллоҳим, пайғамбаринг Муҳаммад ибн
Абдуллоҳга, Унинг оиласи ва асҳобларига салавоту
саломлар йўлла!

давоми бор...